O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 1998 йил, 20 март, № 11 (154) ☼ Жума кунлари чиқади ☼ Сотувда эркин нархда

Наврўзни қутлар юртим, баҳор чечагин тақиб, Тенглашибди куни тун, иқбол маъшалин ёқиб



Наврўз халқимизнинг энг қадимги, энг миллий, энг севимли байрамидир. Уни ҳар бир инсон, ҳар бир оила орзиқиб кутади. Мамлакатимизда байрамлар кўп. Лекин Наврўзнинг таровати, шукуҳи ўзгача. У, аввало, табиатнинг уйғониш байрамидир. Баъзан ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, табиатга узвий боғлиқлигимизни унутиб қўямиз. Ваҳоланки, инсон табиатнинг энг олий маҳсулидир.

Наврўзнинг иккинчи хусусияти у бизнинг миллий байрамимиздир. Ота-боболаримиз минг йиллардан буён Наврўзни шодлик ва бахт айёми сифатида нишонлаб келади. Наврўз миллий қадриятларимиз мужассамлашган, миллатимизга хос ва мос байрамдир.

Ислом КАРИМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март куни Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Америка қўшма комиссиясининг яқинда АҚШда бўлиб ўтган мажлисига тўхталди.

— Мажлиснинг юқори савияда ўтиши ва ҳар томонлама фойдали бўлишида сизнинг ҳам катта хизматингиз бор, — деди Президент. — Энг муҳими, ҳар икки мамлакатда ҳам ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилишлар муштаракдир.

АҚШ элчиси қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон-Америка муносабатлари ривожига ҳисса қўшишдан ҳамиша фахрланишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

НАВРЎЗИМ

Юртимизга хуш келибсан, Наврўзим!
Соғингандик, хўб билибсан, Наврўзим!
Элу юртни шод қилибсан, Наврўзим!
Сайлларга чорлаб келган Наврўзим!
Қуёш каби порлаб келган Наврўзим!

Наврўзий руҳ: дошқозонлар мойланди,
Атрофида қиз-жувонлар айланди.
Сумалаклар тайёрланди, шайланди,
Кўкатларга жон киргизган Наврўзим,
Томирларда қон юргизган Наврўзим.

Эл олдига оқ дастурхон ёзилар,
Ширмойи нон келтиради баъзилар,
Ёғлик палов, кўк сомсаю, қазилар,
Нози-неъмат мўл-кўл бўлган Наврўзим,
Дастурхони нурга тўлган Наврўзим.

Бойчечаклар истиқболга югурар,
Келинчаклар бахт-иқболга улгурар,
Боларилар гулдан болни суғирар,
Табиатни уйғотувчи Наврўзим,
Мавжудотни қўзғатувчи Наврўзим.

Карнай-сурнай, чилдирмалар бака-банг,
Янгра қўшиқ, куй чалинар минг оҳанг,
Қойил сенга раққоса қиз, беш баҳонг,
Юртда шодлик куйин чалган Наврўзим.
Юракларга ўтлар солган Наврўзим.

Масхарабоз, қизиқчилар келишар,
Аския зўр, қаҳ-қаҳ отиб кулишар,
Ишқибозлар роса роҳат қилишар,
Вақтичоғлик келтирибсан Наврўзим,
Элга соғлик келтирибсан Наврўзим.

Чавандозлар отларини чоптирар,
Полвонларнинг сараларин топтирар,
Қаддин ростлаб кенг даврада саф турар,
Беллашувга чорлагувчи Наврўзим,
Машъаладек порлагувчи Наврўзим.

Йўқланса ногирон, шодланар беҳад,
Дилларга равшанлик, белларга мадад,
Йўқланса ўтганлар, руҳлар бўлар шод,
Ўтганларни йўқлаб келган Наврўзим.
Тирикларни йўқлаб келган Наврўзим!

Эркин бўлдик, равон бўлди йўлимиз,
Кўкка чўзсак етар энди қўлимиз,
Кўнгиллар тинч, осойишта элимиз,
Бахт-иқболга ҳамроз бўлган Наврўзим.
Истиқлолга ҳамроҳ бўлган Наврўзим.

Мамажон ХОЛИҚОВ.

ИНСОНИЙЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ

Кейинги йилларда Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайта тиклаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг ташкил қилиниши ҳам ана шу мақсадда ташланган шодиёна қадамларимиздан биридир. Яқинда жамоатчи мухбиримиз жамғарманинг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи, Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзоси, физика, математика фанлари номзоди Қурбонбой ҲАЙИТБОЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Қурбонбой Ҳайитбоевич! Аввало халқимизнинг энг катта маросимларидан бири бўлган «Наврўз» байрами, унинг тарихи ҳақида гапириб берсангиз?

— Биласизми, Наврўз энг аввало инсонийлик, меҳр-оқибат, эзгулик байрамидир. Унинг неча минг йиллар давомида умрбоқий яшаб келаётганлигининг боиси ҳам шунда. Аммо унга ўтмишда ҳар хил жаҳолатпарастлар томонидан турли тошлар отилди. Ҳаттоки, яқин ўтмишимизда барча миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, тилимизни йўқотишга шаҳд қилган «инқилобий сиёсат» Наврўзни диний байрам деб эълон қилиб, уни нишонлашни таъқиқлаганди. Лекин, Наврўз ҳамиша халқимизнинг ёнида, унинг вужудида яшаб келди. Уни ҳар қанча таъқиқламасинлар, яширинча нишонланди.

Наврўзи оламнинг ёши энг камида уч минг йилни ўз ичига олади. Унинг пайдо бўлиши моҳиятида ҳар турлича талқинлар бор. Лекин, уларнинг ҳаммасида Наврўз янги кун ёки янги йил бошланишини билдиради. Наврўз сўзининг луғавий маъноси ҳам янги кун деган тушунчани англатади.

— Ота-боболаримиз бу шодиёнани қандай нишонлашган? Байрам маросимларида қанақа удумларни бажаришган?

— Наврўз асрлар давомида янги-янги удумлар, қарашлар билан бойиб борди. Шунингдек, эски қўшиқ, ўйин ва бошқа одатлар ҳам яшашда давом этди. Наврўз байрами билан боғлиқ бўлган тадбир ва удумларни ҳақли равишда икки турга ажратиш мумкин. Байрамгача, байрамдан кейин ўтказиладиган удумлар.

Байрамгача бўлган удумларда экин-тикинларга тайёргарлик кўриш, кўча, ҳовли, ариқ ва зовурларни, қабристонларни тозалаш, байрам таомлари — сумалак, ҳалим ва бошқа овқат, ичимликларни тайёрлаш, янги сарполар тикиш ишлари бажарилади. Бу тадбирлар турли жойларда турлича ўтказилган.

Умуман олганда, Наврўз баҳор байрами, шодлик, севги ва муҳаббат байрами сифатида шўх-шўх қўшиқлар, хиргойилар билан кутиб олинган. Байрам кунлари қиз-жувонлар боғ сайрига чиққанлар. Азим ўриклар-нинг бақувват шохларига арқонлар ташлаб арғимчоқлар ясаган. Ҳамма навбати билан арғимчоқ учишган. Кўп жойларда арғимчоқ учиш билан кишининг йил бўйи қилган гуноҳлари тўкилади деб қаралган. Айниқса, турмушга чиқмаган қизлар, фарзанд кўрмаган келинчаклар арғимчоғни баландлатиб учишган.

Наврўзнинг яна бир ажойиб томонларидан бири — мазали ширмойи таом — сумалак тайёрлашдир. Сумалак-байрамда танаввул қилинадиган асосий таом ҳисобланади.

Ҳикоят қилинишича, сумалак-биби Фотиманинг ошлари экан. Бир куни у кишининг болалари оч қолибди. Овқат пишириб берай деса уйларида ҳеч нарса йўқ экан. Ўшанда қиш чиқиб кўклам кўкатлари энди ниш ураётган пайт экан. Биби Фотима ҳовлисининг бир четига кузда бир ҳовуч дон сепган экан. Қараса донлар кўкариб, майса тусига кира бошлаган экан. Дарров шу майсадан ўриб келиб, майдалаб қозонга солибдилар. Супрада қолган бир сиқим унни ҳам қўшиб яхшилаб аралаштириб, қозоннинг тагига ўт қалай бошлабди. Бироз қозонни кавлаб, чарчаганидан сўнг биби Фотима ҳам болаларига қўшилиб ухлаб қолибди. Эрталаб уйғониб қараса, қозонни ўттиз фаришта кавлаб пишираётган эмиш. Шунинг учун бу таомнинг номи сумалак бўлиб қолган экан. Чунки сумалак — ўттиз малак деганидир.

— Наврўз — баҳор айёми, гўзаллик ва нафосат байрами, дўстлик ва садоқат байрами сифатида ҳам қадрли.

— Албатта.

— Наврўз арафасида қадимда урушлар тўхтатилган. Одамлар бир-бирлари билан ярашишган. Ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар ўзаро давра қуришиб ўйин кулги қилиб, хушчақчақлик қилишган. Наврўздаги қадимий анъаналарни қайта тиклаш ва оммалаштириш борасида мамлакатимизда катта хайрли қадамлар ташланди.

Энг аввало Наврўзни расмий равишда халқ байрами сифатида нишонлаш, 21 март куни дам олиш куни деб эълон қилинганлигини фахр билан тилга олиб ўтиш жоиз. Оммавий сайиллар, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари агар эътибор бериб бораётган бўлсангиз, тобора Наврўз анъаналарига айланиб бормоқда. Олий ўқув юртлари, мактабларда ҳар йили Наврўз байрамининг янгича урф-одатлар билан бойиб бораётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Албатта, бундай тадбирларни янада жонлантириш, минг йиллар давомида элимиз эъзозлаб келган Наврўзимизнинг янада жозибали ва гўзал бўлиши учун доимо қайғуришимиз керак.

— Шу ўринда ўзингиз раҳбарлик қилаётган жамоанинг ишлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Жамғармамиз фаолиятининг чуқур ва кенг қамровли бўлишига астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Чунки, ҳозир жамғармалар фаолиятига халқимиз ўртасида катта қизиқиш уйғонмоқда.

Наврўз байрами, Мустақиллик куни, шунингдек, бошқа турли байрам, юбилейлар арафасида кўп болали оналар, ногирон, кекса ва ёлғиз яшовчиларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Яқинда 77 минг сўмлик маҳсулотлар, кам таъминланган оилаларга, уруш ва меҳнат ногиронларига хайрия қилиб берилди.

Умуман қилинаётган ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишларимиз кўп. Буларнинг ҳаммаси бир нарсага — Оила йилида аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган. Биз бундай хайрли ишларни бундан сўнг ҳам давом эттириб, халқимизга холис хизмат қилаберамиз.

Қодир МУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАРЧА АЪЗОЛАРИГА!

Азиз юртдошлар!

Ҳурматли партиямиз аъзолари!

Барчангизни юртимизга уйғониш, яшариш, орзу-умидлар рамзи бўлиб кириб келаётган Наврўз байрами билан қизғин қутлаймиз.

Наврўз мустақиллигимиз туфайли ўз тарихимиз, қадрияту урф-одатларимизни қайта тикланганлигининг ёрқин исботи ва энг ширин мевасидир.

Бу байрам юртимизда элати, миллати, ирқидан қатъий назар бир хил шодлигу қувонч билан мана олти йилдирки нишонланиб келинмоқда.

Мазкур қувончли кунни нишонлашга қизғин тайёргарлик кетаётган кунларда бизнинг партиямиз ҳам уч ёшга тўлди. Ўтган қисқа давр ичида партиямиз фаоллари халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида, дарду-фикрига, қувончига шерик бўлиб келмоқда.

Бундан буён ҳам халқимиз, юртимиз равнақи йўлида партиямиз аъзолари бор куч-ғайратларини аямайдилар деб ишонамиз.

Бу борада барча фаолларимизга, аъзоларимиз ва бизга хайрихоҳ бўлган юртдошларимизга соғлик-омонлик, тинчлик-тотувлик, дастурхонига қут-барака тилаймиз.

Юртимизда ҳар бир кун Наврўз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ФОЙДА ОЛИШ АСОСИЙ МЕЗОН

ёхуд бозор иқтисодиёти шароитида деҳқон-фермер хўжаликлари қандай ишламоғи керак?

«Деҳқон фермер хўжаликлари» тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Албатта, устивор қонунларнинг ҳаммаси халқ манфаатларини кўзлайди. Унда қишлоқни ислоҳ қилиш жараёни давлат ихтиёридаги энг катта бойлик бўлган ернинг чинакам эгасини тиклаш, деҳқонда эгалик ҳуқуқига умид туғдириш, унинг турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасидан келиб чиқади. Ушбу қонун билан деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар яратилади. Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилади.

Лекин қишлоқ хўжалигида мулк шаклининг ўзгарганлиги ҳақида қонуний асослар бўлишига қарамасдан ҳозирги кунга қадар олиб борилаётган тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари ўз натижасини тўлиқ бераётгани йўқ. Ёки бўлмаса ерни талон-тарож қилувчиларга нисбатан кўрилаётган чоралар билан ҳам кутилган самарага эришиб бўлмаяпти.

Фикримизча, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, мулкка муносабатни ўзгартириш учун деҳқон-фермер хўжаликларини кўпайтириш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда иқтисодий ривожланишларига имкон яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биргина Бухоро вилоятида мингдан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари мавжуд бўлсада, уларнинг ўз мулкларига тўлиқ эгалик қилиш ҳуқуқи бир қанча объектив ва субъектив сабабларга кўра талаб даражасида таъминланмаяпти. Шулардан келиб чиқиб, ҳар бир деҳқон фермер хўжалигига индивидуал ёндошилиб, аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаш лозим.

Муаммолардан яна бири — моддий манфаатдорлик масаласидир. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий қисми ўзлари етиштирган маҳсулотларини сотиб, фойда кўришга деярли эътибор бермайдилар. Худди шўро тузуми давридагидек, ишлаб чиқаришда белгиланган режани бажаришга зўр берилиб, ўз иш натижаларини шу билан баҳолашдан холи бўлинмаган. Ваҳоланки, бозор иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариб, фойда олиш асосий мезон ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ширкат, жамоа хўжаликлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг сифати ва таннархига етарли даражада эътибор беришмаяпти. Натижада, маҳсулот етиштириш учун қилинган харажатлар уни сотишдан олган даромадларини қоплай олмаяпти.

Айни пайтда бизнинг вилоятда деҳқон-фермер хўжаликларининг ривожланиши учун бир қанча сунъий тўсиқлар мавжуд. Биринчидан, деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳаммаси ҳам талаб даражасидаги, тажрибали ва малакали кадрлар эмас. Айниқса, уларнинг ҳуқуқий билимлари жуда ҳам саёзлигича қолмоқда. Иккинчидан, деҳқон-фермер хўжаликларини барча таъминлов идоралар, жамоа хўжаликлари, шунингдек, буюртмачи ташкилотлар ҳали тўлиқ қўллаб-қувватлашмаяпти. Табиийки, нега ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари, ҳокимликлар бунинг сабабларини билишса-ю, уларни бартараф этиш чораларини кўрмайдилар? — деган савол туғилади.

Бу борада маълум ишлар қилиниб, ҳуқуқий ёрдамлар ҳам берилмоқда. Лекин, деҳқон-фермер хўжаликларининг ўзлари фаоллик кўрсатишмаса, тезроқ ижобий натижаларга эришиши қийин. Деҳқон-фермер хўжаликларининг иқтисодий юксалишини таъминлашнинг ягона йўли у ташкил топган пайтданоқ хўжалик аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини ўргатиш, шартномалар тузишни амалда кўрсатиш ва унга жавобгарлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг ички фаолиятларига аралашмаслик, таъминловчи идораларнинг тўлиқ ва ўз вақтида маҳсулотларни етказиб беришини таъминлаш, топширилган маҳсулотларга ўз вақтида ҳақ олиш масалаларини бугунги кун талаблари даражасида ҳал этмоқ лозим.

Агар биз ҳеч бўлмаганда ҳар бир туманда бештадан деҳқон-фермер хўжаликларига амалий ва ҳуқуқий ёрдам бериб, ҳақиқатдан ҳам қишлоқ хўжалигидан даромад олиш мумкинлигини исботлаб берсак, деҳқонда қилаётган ишига ишонч туғилади, онгида меҳнатга ва мулкка нисбатан муносабат ўзгаради.

Деҳқон-фермер хўжаликларининг кўплаб ташкил этилиши, биринчи навбатда деҳқонларни ҳозирги пайтда учраб турган жамоа хўжаликларидаги юзаки ва мажбурий меҳнат қилиш муаммосидан озод этади. Иккинчидан, экинларни пайҳон қилиш муаммоси ҳам йўқолади. Чунки амалиёт шуни кўрсатадики, деҳқон-фермер хўжалиги ўз экин майдонини чорва моллари пайҳон қилишига йўл қўймайди, доимий қўриқланишини таъминлайди.

Учинчидан, дебитор ва кредитор қарзлари вужудга келишидек жиддий муаммодан ҳам халос бўлинади. Чунки деҳқон етиштирган маҳсулотини фақат маблағи бор ташкилотга сотади.

Булардан ташқари, яна бошқа бир қанча муаммоларни ҳал этиш мумкин бўлиб, бу эса бугунги кунда прокуратура органларидан янгича ёндашувдаги аниқ мақсадли тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Айниқса, юқорида айтганимиздек, жамоа, ширкат хўжаликларининг фойда ололмаётганликларининг сабабларидан бири — ортиқча чиқимларнинг кўплиги, яъни керак бўлса, бўлмаса бошқарув аппаратида ортиқча штатларнинг мавжудлиги, кўпинча бефойда қилинадиган харажатлар бўлса, деҳқон-фермер хўжаликларида ўлароқ бундай кераксиз ва самарасиз харажатлар қилинмайди.

Ишлаб чиқилган Қонун лойиҳасида эса ҳар бир банд деҳқон-фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаган. Ушбу қонун лойиҳасини тушунтириш ва кенг омма муҳокамасида бўлиши учун тегишли ташкилотлар амалий иш билан шуғулланаяптилар. Шу жумладан, вилоят прокуратураси идоралари томонидан вилоят хўжаликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш учун текширишлар ўтказилиб борилмоқда. Албатта, текшириш жараёнида қонунларни янада чуқурроқ тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу ишлар эса, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ҳал қилиш ечимларининг ойдин йўлидир.

Ҳамза МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг Умумий назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

Партия ахбороти

КОТИБИЯТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати қарорғоҳида 10 март куни Сиёсий Кенгаш котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда партиянинг навбатдаги IX Пленумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва пленумнинг кун тартиби ҳамда бошқа кўриладиган масалалар мажмуи белгилаб олинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Турғунпўлат Даминов раислигида ўтган ушбу мажлисда партия ҳаётига тегишли бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

БИЛДИРУВ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзолари ва вилоят Кенгашларининг котиблари

ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 27 март соат 15.00 да Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг IX Пленуми ўтказилади.

Пленум Тошкент Давлат юридик институтининг мажлислар залида ўтказилади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ кўчаси 35-уй. Маълумот учун телефон: 67-62-74.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг Котибияти.

Расли наввоҳор ўлди кетибон зилистонлар, Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар

Байрам дилхати

РЕГИСТОН КИПРИГИДА НАВРЎЗ СОҒИНЧИ

Саодатли, орзу умидли кунларга интилиб яшаш инсонга хос фазилат. Шу интилиш бор эканки умр чароғон, кўнгил нурафшон. Наврўз истиқлол бизга ҳадя этган саодатли кунларнинг, қадриятларнинг дебочаси бўлганлиги боис ҳар биримиз учун азиз ва суюклидир. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган ўзига хос жиҳати-мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрами эканлигидир.

Эътибор беринг: Самарқандда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Лекин уларнинг ҳаммаси Наврўзни ўз байрамларидек зўр шодиёналик билан нишонлашади. Демак, азалдан Шарқ Ғарбни бирлаштирган Буюк ипак йўлида жойлашган Самарқандда Наврўз дўстлик, ишонч, меҳроқибат сингари умуминсоний ғояларнинг даракчиси бўлиб келган. Бугун ҳам, эртага ҳам шундай бўлиб қолаверади. Бинобарин элларни бирлаштирадиган қутлуғ байрамга тайёргарлик ишлари ҳам қўнгилдагидек бўлмоғи лозим. Буни ҳар бир меҳнат жамоаси, маҳалла, қишлоқ аҳли чуқур англаган. Айниқса, вилоят ҳокимининг шу йил 3 февралдаги «Вилоятда Наврўз — умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан сўнг жойларда тантанага ҳозирлик қизғин тус олди.

Шаҳар ва туманларда кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари амалга оширилди. Сув йўллари, ариқ ва анҳорлар тозаланди. Биргина Самарқанд шаҳрида экологик мутаносибликни таъминлаш учун минглаб тут мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Истироҳат боғлари, кўчалар байрамона безатилди. Аҳоли гавжум жойларда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Наврўз меҳр-мурувват байрами. Шуни назарда тутиб кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан ҳокимлик ва вилоятдаги кўпгина корхона-ташкилотлар, меҳрибонлик уйлари, боқувчисиз қолган хонадонлар, кўп болали, кам таъминланган оилаларга ҳозирданоқ зарур ёрдам уюштирмоқда. Наврўз шодиёнаси куни бундай ёрдамлар янада кенгаяди. Чунончи 21 март куни вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройида катта базм уюштирилиб, юздан зиёд ногирон болаларга вилоят ҳокимининг совғалари улашилади. «Наврўз», «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳам ҳар битта маҳаллада шундай тадбирни амалга оширадилар.

Байрам шукуҳини олис Қўшработда, Ургут ёки Нурободда ҳамма бирдек ҳис этиши учун ҳокимлик ва меҳнат жамоалари, маҳалла фаоллари ранг-баранг тадбирлар тузишмоқда. Лекин энг асосийси қурилишларга эътибор кучайган. Байрам муносабати билан 2 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та янги мактаб биноси, 650 ўринли 5 та қишлоқ даволаш пункти қурилиб фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 7650 квадрат метр саҳнли уй-жой, 54 километр узунликдаги газ тармоғи, 23 та маиший хизмат пункти, 400 ўринли янги ошхоналар, салкам бир ярим минг квадрат метр саҳнли савдо шаҳобчалари барпо этилади. Биргина Самарқанд туманида шу куни 500 болага мўлжалланган боғча, «Пахтабанк»нинг янги биноси ишга туширилади. Таъкидлаш лозимки, бундай қурилишлар байрамдан кейин ҳам давом этаверади. Регистон аллақачон катта тантаналар ўтказиладиган муҳташам майдонга айланган. Наврўз шодиёналари билан боғлиқ асосий тадбирлар бу йил ҳам шу ерда бўлиб ўтади. Наврўзга бағишланган театрлаштирилган томошада 100 дан зиёд санъаткорлар, халқ хофизлари, хонанда, актёрлар иштирок этишади. Регистон саҳнасида янграган куй-қўшиқ садолари, дилбар рақслар минглаб шаҳарликларни ва хорижий меҳмонларни ҳайратга солиши шубҳасиз.

Регистонда халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик вакилларининг ижодий кўргазмаси Наврўзга ўзгача чирой-жозиба бағишлайди, деб ўйлайман. Юзлаб усталар ўзлари тайёрлаган зардўзлик, заргарлик, кулолчилик, наққошлик буюмларини намойиш қиладилар. Дарвоқе, байрам арафасида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан «Самарқанд наввойлари уюшмаси» тузилганлиги ва бу касб эгаларига катта имкониятлар яратишга киришилганлиги эътиборга лойиқдир. Пазанданинг қалб қури-ю, қуёш тафтини ўзида мужассам этган машҳур Самарқанд нонлари энди янада шуҳрат қозонишига, байрам кўргазмасига ташриф буюрганларни лол қолдиришига шубҳа йўқ. Булар қаторида шаҳардаги «Азиза», «Нафис» ҳиссадорлик корхоналарида байрамга атаб тайёрланаётган совғабоп буюмлар кўпчиликка маъқул бўлади.

Байрам тантаналари бир кунда тугамайди. Туман марказларида, маҳаллаларда, талабалар ётоқхоналарида, истироҳат боғларида ўзига хос миллий спорт ўйинлари, бадиий кўргазмалар, катта концертлар уюштирилади. Самарқанд телевидениеси Наврўз шодиёналари қандай нишонланаётганлиги ҳақида узлуксиз, бевосита кўрсатувлар намойиш этади.

Хуллас бугунги кунда юртимизнинг барча гўшасида ҳамма-ҳамма Наврўз ташвиши, шодиёналари билан банд. Ҳамма жойда уйғониш, яратиш ишқи. Новдалар қуёш табассумидан ғунча ёзишга шай. Ҳатто кўҳна Регистон киприклардан соғинч билан қарши олмоқда суюкли Наврўзни. Ҳа, Наврўз улашаётган баҳорий илиқлик, тиниқлик барча юртдошларимизнинг қалбига кўчиб уларнинг онаюртга, муқаддас заминга меҳр-муҳаббатларини жўш урдирмоқда.

Илҳом РАШИДОВ.
Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари.

ҚУТЛОВ

Замзамларга зарлар сочган алвон қуёш
кулиши,
Муз қоянинг қалби эриб қирғоқларнинг тўлиши,
Поёни йўқ чор ёнларга баҳор сепгач улушин,
Мағрур тоғлар пойларига гулдан чамбар
муборак,
Далаларнинг қучоғига мушки анбар муборак.

Бағри тилка сомонлардан нур чақмоқлар
чаққанда,
Бойчечаклар теграсида дур ёмғирлар ёққанда,
Толбаргакдан қувонч тўла қизалоқлар боққанда,
Гул чеҳралар сочларига жамалаклар муборак,
Ёмғирдан сўнг порлаб чиққан камалаклар
муборак.

Ғойиблардан сумалакка маза берса малаклар,
Кўк сомсанинг бўйларига тўлса сомон-фалаклар,
Не ажабки янги кунда бажо бўлса тилаклар,
Эрта тонгда рўё бўлган ширин тушлар муборак,
Қанотида баҳор елган меҳмон қушлар муборак.

Қатимларда жилваланса турфа рангли бўёқлар,
Қуёшга қўл чўзиб тонгда шабнам тутса гиёҳлар,
Кўпкарининг оловидан ўт чақнаса туёқлар,
Шохсупанинг минбарига шохсуворлар муборак,
Қуёшлардан, меҳрлардан бахтиёрлар муборак.

Кавсар ТУРДИЕВА.

Бизнинг шарҳ

БАЙРАМДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Эртага Наврўз халқимизнинг энг улуғ, муқаддас байрами сифатида мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида катта тантаналар билан нишонланади. Айниқса республикамиз пойтахти — Тошкентда умумхалқ байрами шодиёналари қизғин тусда ўтади. Байрам тантаналари ва оммавий сайлларга республикамизнинг турли вилоятларидан, Марказий Осиё ва хорижий давлатлардан келган кўплаб меҳмонлар ташриф буюрадилар. Шундай экан шаҳарда байрам куни ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишлари қай даражада йўлга қўйилади? Тошкенит шаҳар ИИББ ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги М. Х. Юсупов бу ҳақда шундай деди:

— Наврўз байрами тадбирлари асосан Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуаси, Халқлар Дўстлиги майдони, Ўзбекистон Миллий боғи, Мустақиллик майдони, Сайлгоҳ, Алишер Навоий номли опера ва балет театри, Амир Темур хиёбони, Мирзо Улуғбек хиёбони, Сирғали дам олиш оромгоҳи, «Зарафшон» ресторани каби аҳоли гавжум жойларида ва уларнинг яқин ҳудудларида ўтказилади.

Байрам тантаналари, халқ сайллари бўлиб ўтадиган жойларда одамлар жуда гавжум бўлади. Уларнинг байрамни кўтаринки руҳда ўтказишларини ташкиллаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва шунингдек, жамоат тартибни сақлаш учун барча керакли чора-тадбирлар кўрилган. 21 март куни эрталаб соат 7.00 дан бошлаб байрам тадбири ва халқ сайллари ўтадиган жойларга туташ йўллар ушбу ҳудудлар яқинидан беркитилиб, транспорт воситаларининг ҳаракати тўхтатилади. Шу билан бирга кўпгина жамоат транспорти воситалари йўналишларига ўзгартишлар киритилади.

Байрам тантаналарига келадиганларнинг аксарияти автомашиналарда бўлишади. Уларга транспорт воситаларини қўйишлари муаммо бўлмаслиги, кўтаринки кайфиятлари бузилмаслиги учун тадбир бўлиб ўтадиган ҳар бир жойларнинг яқинида алоҳида транспорт воситаларини сақлаш жойлари ташкил этилди. Тадбир ниҳоясида одамларнинг уйларига ва уларга керакли бошқа манзилларга етиб олишларини қулай қилиш мақсадида махсус автобус, трамвай, троллейбуслар ажратилган. Улар турли йўналишлар бўйича қўшимча жамоат транспорти воситалари сифатида йўловчиларни ташийдилар. Бир сўз билан айтганда халқимизни байрамни кўнгилдагидек ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Биз эса, барча куч имкониятларимизни ишга солиб уларнинг хизматида бўламиз.

Суҳбатдош: Абдураҳим ҲАЛИЛОВ.

Ўдумларимиз

Наврўзда уруғ қадалди.

РАЙҲОН ГУЛЛАРИНГДАН ЮЛДУЗ ТАҚАЙИН

Наврўзжон, марҳабо. Келақол тезрок,
Алқаб, юзларингдан тўйиб ўпайин.
Ватаннинг ҳур, озод, ғолиб кўксига
Райҳон гулларингдан юлдуз тақайин.

Байрамдирсан энг қадимий, энг
миллий,
Севимлисан айёмларнинг баридан.
Яшаришдир, саховатдир ул, деган
Садо келар мозийларнинг қаъридан.

Дошқозонлар сумалакка тўлганда,
Емай туриб яшаради одамлар.
Момоларнинг «Жаҳу»лари янграса,
Сакраб-сакраб қўшилади бобомлар.

Наврўзим, келяпсан ниҳоллар ушлаб,
Юрагим ҳапқирар қувончдан тўлиб:
Қўлингда тутганинг кўринди аввал
Меҳр-мурувватнинг боғлари бўлиб.

Юсуф БЕРДИЕВ.

АЙЁМ НАФАСИ

Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарлари, маҳалла-қуйларида Наврўз тантаналари бошланди. Муборак айёмга сумалакнинг тансиқ ҳидию, қувноқ куй-қўшиқлар ўзгача файз киритмоқда.

Яқинда Бухоро вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Наврўзга бағишлаб сумалак-кўклик танлови ва фольклор жамоаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ҳисобидан танловда биринчи, иккинчи, учинчи ўринни олган ғолиблар 20 минг сўмдан 5 минг сўмгача пул мукофоти билан тақдирландилар. Бундан ташқари ғолиблар вилоят ва республика «Наврўз-98» тантаналарида қатнашиш учун йўлланма ҳам олишди.

Энг қувончлиси байрамона безалган кўҳна шаҳарда қирққа яқин иншоотлар ишга туширилди. Шаҳар марказида 2 минг ўринли байрам саҳнаси, қандолат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, ҳунармандчилик буюмлари расталари ҳозирланди.

Наврўз нафақат баҳор, балки меҳр-мурувват нурини ёғдирувчи байрам ҳамдир. Наврўз олди кунларида вилоят жамоатчилиги ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг кўпчилигига дастурхон ёзишди ва баҳоли-қудрат уларга ёрдам кўрсатишди.

Гулнора САМИЕВА,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Қадриятларимиз

Дошқозонда сумалак, ўчоқ бошида опа...

Улуғ зотлар ҳаётидан

«ДИЛ БА ЁРУ, ДАСТ БА КОР»

Шайх Баҳовуддиннинг бошқа кўпчилик суфийлардан фарқи шундаки, у ҳар қандай валий, авлиё ҳам фақат намоз, дуо, ибратлар билангина эмас, балки руҳни, кўнгилни камол топтириш билан бирга ҳалол меҳнат билан ҳам тирикчилик қилиши зарур, деб ҳисобларди. Шайхлар, суфийларнинг шогирдлари дарвеш-қаландарлар таълимотини узоқ-яқин жойларга тарқатар эдилар. Уларнинг асосий иши сафар, саёҳат бўлиб, бирор меҳнатнинг этагини тутмас эдилар...

Баҳовуддин Нақшбандий дарвешларнинг мана шундай нотинч ҳаёт тарзини ислоҳ қилиб, бутунлай ўзгартирди. У суфийлар, дарвешларнинг тарки дунё қилишига қарши чиқди. Шайх Баҳовуддин дарвешлар, суфийларни ўзларининг осойишта, бехавотир яшашлари, бировларнинг қулига қараб қолмасликлари учун ҳалол меҳнат билан, масалан, ҳунармандчилик билан шуғулланишга чақирди. Бу соҳада ўзи ибрат кўрсатди, дастгоҳда тўқувчилик қилиб, нақш боғлаб, шогирдларига ҳунар ўргатди. Руҳоний, суфий, дарвешларнинг қўли меҳнатда, ҳаёли Худои-таолода бўлиши керак деб ҳисоблади ва бу таълимотни ихчам, лўнда қилиб: «Дил ба ёру, даст ба кор» сўзларида теран ифодалади.

НАСАФИЙ.

Қатра

ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Қаттиқ бўрон эди. Тўлқинлар болалардек бир-бирини қувлаб қирғоққа югуришар, етиб келгач эса совуқ қояларни бир онгина қучиб, ҳафсаласи пир бўлганча ортга қайтарди. Гўё улар салобатли қоялардан ажиб бир сеҳр истаб тополмагандек, жимгина оқ кўпикка айланганча соҳилнинг қаҳробо қумларида дардли из қолдириб кетарди. Денгиз ҳам шу куйи бир он тин оларди. Сўнгра яна бўрон гувиллар, чақмоқ чақиб, бетоқат булутлар кўз ёш тўка бошлар, шунда тўлқинлар ҳамма нарсани унутиб тағин ўз машқини бошларди. Соҳил бўйидаги дарахтлар ҳам бу манзараларга ҳамоҳанг шувулларди. Биргина чайкалар ҳеч нарсага парво қилмай, ҳеч нарсани менсимай, гоҳ тўлқинларга кўмилиб, гоҳ улар билан қувлашиб, рақс тушарди. Буларнинг бари гоҳ сеҳрли афсонага, гоҳ қўрқинчли тушга, гоҳ ваҳимали эртакка ўхшаб кетарди. Табиатнинг гўзаллиги, бўроннинг увиллаши, ҳиссиз қояларнинг сукунати, дарахтларнинг шовқини, шаррос қуяётган ёмғир, денгизу чайкалар хаёлчан қалбга қанчалик хуш ёқади. Ҳа, қанчалик хуш ёқади, дерсиз сиз ҳам. Эҳ, соҳилда плашчга ўраниб, ёмғирда шалоббо бўлганича бу манзараларга тикилиб турган йигит ҳам хаёлчан эди. У ҳам ҳаммасини кўриб турарди. У ҳам денгизга бепарво эмасди. Кечагина анави бебош тўлқинлардек шўх эди: ҳайиқиш нима, қўрқув нима билмасди, мақсади йўлида ҳеч нарсани писанд қилмай олға интиларди, чақмоққа ҳам бепарво эмасди: орзусида чақмоқдек ёниб яшаш бор эди. Ёмғирлар — унинг жони дили эди-ку. Шабода-чи, эҳ, у доим шабодани қучмоққа, шабодадек учмоққа шай турарди... Дарахтлардан сеҳрни, қоялардан мағрурликни ўрганган эди. Демак, йигитга шу топда жаннат экан-ку дерсиз. Йўқ, жаннат эмасди. Йигитнинг кўзлари нам, кўнглида анчайин ғам бор эди. Ўйида ёлғизлик қисмати, қалбида жавобсиз севгининг азоби... Денгиз ҳам, денгиз бўйидаги бу гўзал манзаралар ҳам унга шуларни эслатиб қалбини эзарди. У ёмғирни ҳам, жиққа ҳўл кийимларини ҳам сезмас, лаблари совуқдан хиёл титраганча пичирларди... Эй, бевафо...

Адҳам ДАМИНОВ.

НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛДИ

Кувон эй, кўҳна дунё, бағрингга кўклам келди,
Борлиққа сочиб зиё Наврўзи олам келди.

Кийиб гулгун либосин, бошлаб нозик адосин,
Қаранг, нозу ибосин, гул юзли санам келди.

Соғиниб қолган эдик, интизор бўлган эдик,
Излаб йўл олган эдик, ул ўзи хуррам келди.

Кўнгилларнинг шодлиги, умримиз шаддодлиги,
Юртимиз ободлиги унда жамул-жам келди.

Яйрангиз эй кўнгуллар, ғаниматдир бу кунлар,
Ўтиб аёзли кунлар, нурли субҳидам келди.

Йўл олинг гулзорларга, гул тутинг дилдорларга,
Зикриллодек зорларга ёр васли — малҳам келди.

Зикрилла НЕЪМАТ.

ХАНДАЛАР

Янги очилган гунафшани омонлик-сомонлик, деб ҳидлаётган Тошбуви холага келини халлослаб келиб гапира кетди:

— Ойи ўгирлаб кетишибди!

— Нимани?

— Наврўзга пиширган сумалагимиз қозон-позони билан йўқ.

— Парво қилманг, келин, — деди Тошбуви хола илжайган ҳолда, — ёшлигимизда биз пиширган сумалакни ҳам йигитлар ўгирлаб кетишганди. Ҳали қозонини ташлаб кетишади, бу Наврўз ҳазили.

* * *

Кексаликни бўйнига олиб соқол қўйган Соливой ака Исроил сартарошга:

— Ука, соқол-мўйловни бир чеканка қилиб қўйинг, — деди.

— Бош устига, марҳамат, ўтиринг акажон, — деб сартарош чеканка қилиш ўрнига соқол-мўйловни бир йўла қириб ташлади.

— Бу нима қилганингиз Исроил.

— Наврўз ошига йигитдек бўлиб боринг-да! — деб сартарош хушбўй ёшлик атридан пуркай кетди.

В. БОБОМУРОДОВ.

Ойнаи жаҳонда

23–29 март

ЎзТВ

ДУШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ер ва диёр тароналари».
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Сайил».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.30 «Диққат,мотор!» Видеофильм. 10-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сорбон».
10.30 «Кино янгиликлари».
10.45 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
11.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.30 «Омад юлдузи». Телеўйин.
12.05 Кундузги сеанс. «Финист—сарлочин». Бадиий фильм.
13.20 Телевизион миниатюралар театри.
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Металлург» (Бекобод).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Томоша» сумалаги.
18.40 «Ҳиммат».
19.00 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фасли навбаҳор бўлди». Мусиқий дастур.
21.35 «Ойдаги доғлар».
22.30 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол.Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Зарафшон» (Навоий).
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
21.20 «Бурч ва масъулият».
21.30 «Ойдин қадамлар».
21.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.35 «Олтин мерос».
22.45 «Даракчи» (рус тилида).
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.55—24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20 — 21.40

*

21.40 «Дунёқараш». Тележурнал.

* * *

Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30

* * *

22.30 Эълонлар.
22.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 1-серия (Олмония).
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.50 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Умид».
«Айчурек».
20.55 «Мусиқали танаффус».
21.00 Табиат шифохонаси.
21.10 «Ҳамкорлик».
21.30 «Намастэ».
21.55 «Гузаллик ва мангулик ҳақида».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45—22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Улмас мерос».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Мен туғилган тупроқ».
10.50 «Филполвон оғриб қолди». Мультфильм.
11.00 «Бармоқлар сеҳри».
11.15 Болалар учун. «Умид учқунлари».
11.35 «Олам ва одам».
12.05 Ўзбек куйларидан концерт.
12.35 «Шукуҳ».
13.00—14.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Санъаткор саодати». Машраб Эрматов.
18.50 «Бугуннинг уйлари».
19.05 «Мулоқот». Адабий кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Қалқон».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00"Мусиқий саёҳат».
21.20 «Маърифатнома».
22.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 2-қисм.
23.00 «Ташаббус—97».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Сурхон» (Термиз).
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттуплам.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Сеҳрли ўлка ҳақида ҳикоя». Британия.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сўз хусусида сўз».
20.05 «Онагинам».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Спорт қитъаси».
21.30 Кундалик.
21.40 Шарқ тароналари.
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 Кинонигоҳ. «Тунги бўса».
00.10—00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

*

18.20—21.40

*

21.40 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».

* * *

Россия давлат телевидениеси.
22.00— 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Жиноят изидан». Бадиий фильм. 2-серия.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.55 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 «Мусиқий дақиқалар».
20.30 «Уйингоҳ».
20.50 «Телефакт».
21.00 «Мусиқий дақиқалар».
21.05 «Дорихона эшитади».
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 «Қувноқ кино».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Куйла, ёшлигим». Концерт.
8.50 Болалар учун. «Тенгдошларинг ижодидан».
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 «Алифбо сабоқлари».
10.55 Ўзбекистон чемпионати. Каратэ.
11.10 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
11.30 Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
12.05 «Жараён».
12.30 «Танаффус». Мультфильм.
12.40 «Тўй ҳангомалари». Кинокўрсатув.
13.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль.2-қисм
14.10—14.30 «Меҳрингиз ардоғида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ёруғ олам кўзгуси».
18.25 «Сени гулга қиёслай, ўлкам». Мусиқий дастур.
18.45 «Ўзбекистон ва жаҳон».
19.05 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...».
22.05 «Тажовуз».
22.30 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 3-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳудуд».
20.15 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тарона».
21.15 «Хонадон».
21.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.20 «Даракчи» (рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 «Буюк изқуварлар. Коломбо». Сериал.
00.15—00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.40

*

21.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 Ким Бессинжер «Орзулар мамлакатида» фильмида.
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Шифокор қабулида».
20.20 «Оҳанглар оғушида».
20.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.50 «Автосалтанат».
21.00 «Дурдаршан».
21.30 «Нафосат гулшани».
22.05 «Олтин хазина». Эркин Воҳидов. «Олтин девор». 2-қисм.
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо садолар». Мусиқий дастур.
8.55 «Орзули юрт одамлари».
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
10.55 «Ҳамал хаёллари». Кинокомпозиция.
11.10 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.40 «Эл тинчлиги йўлида».
12.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
12.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.45 Болалар учун. «Мактабларда Наврўз байрами».
13.05 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 3-қисм.
14.10—14.30 «Бокира туйғулар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Саёҳат». Мультфильм.
18.20 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
18.35 Теннис-клуб.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Юрак кенгликларида». Ғуломжон Ёқубов.
21.30 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 4-қисм.

«Сомон йўли»
Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:
22.35 «Абадият қўшиғи».
22.55 «Нотаниш дил суҳбати».
23.10 «Ибтидо иноятн».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Муқаллидлик майдони».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Дилнавоз садолар».
18.55 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқа теграсида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сир».
21.10 «Иймон».
21.30 Оилавий экран. «Насиб». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1-серия.
23.00 «Даракчи».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Оилавий экран. «Насиб». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 2-серия.
00.50—00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!.

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

*

18.20—21.40

*

21.40 «Баҳор тароналари». «Тошкент лавҳалари». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Самодан келган меҳмон». Бадиий фильм. Бош ролда Халк Хоган.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «02» тўлқинида.
20.10 «Суҳбатдош».
20.30 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.00 «Дўстим ҳақида».
21.20 «Интерспорт».
21.40 «Каталог».
21.50 «Мусиқий олимп».
22.15 «Киносалон».
23.45—23.55 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Муҳаббатим куйлайман». Концерт.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Қотиллик пайида». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили
10.35 «Оила сабоқлари».
11.05 Болалар учун. «Севимли даргоҳ».
11.45 «Ҳаракат қоидаси — турмуш фойдаси».
12.05 «Созга солдим «Алпомиш»ни».
12.30 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
12.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Лайлаклар».
13.00—14.00 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 4-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Қалб гавҳари».
18.50 «Хуш келдинг, Наврўз!» Мусиқий дастур.
19.05 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Саҳна ҳаёти». Халқаро театр кунига бағишланади.
21.30 «Иқтисод алифбоси».
22.00 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
22.25 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль премьераси. 5-қисм.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ойдин кеча». Бадиий фильм.
01.40—01.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.40 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Мусиқа салтанати».
20.15 «Нозик мўъжиза».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Хуш келибсиз!»
21.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.30—00.35 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.10 Киноафиша.
18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

21.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Нажотсиз маҳкумлар». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.05 «Утмишсиз келажак йўқ».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.45 «Бегойим».
21.15 «Дурдаршан».
21.45 «Бу бўстон аро».
22.10 Араб эстрадаси.
22.40—22.50 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!».
8.00—8.25 *Ахборот.

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.20 «Талабалик йилларим».
9.40 «Маҳорат».
10.00 «Хобби».
10.25 Н. Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ». Телеспектакль. 5-қисм.
11.35 «Ҳаёт рисоласи».
12.05 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.45 Лирик тароналар.
13.05 «Кичкинтой устахонаси».
13.25 Кундузги сеанс. «Митичара — денгиз жониворн». Бадиий фильм.
14.45—15.15 «Маънавият».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
18.20 «Мувозанат».
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Ҳамма кўриши шарти... эмас».
22.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро (Бухоро) — «Нефтчи» (Фарғона).
23.10 «Ахборот».

«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
23.35 «Олқишлар, олқишлар...»
23.50 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 5—6-сериялар.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.25 «Мусиқа салтанати».
9.45 «Нозик мўъжиза».
9.55 «Дубляж».
10.15 «Таурас куч тупламоқда». Телесериал.
11.05 Бокс. Бокс. Бокс.
11.25 Болалар экрани. «Нуки». Бадиий фильм.
12.55 «Бир жуфт қўшиқ».
13.10 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.20 Кўрсатувлар дастури.
14.25 «Мусиқа теграсида».
14.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.35 «Мутойиба».
15.55 «Спорт қитъаси».
16.25 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
16.45 «Ургимчак тўри». Телесериал.
17.35 «Кулгига нима етсин».
17.50 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.55 «Янги ой чиққан кеча».
19.15 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Учрашув». Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров.
21.40 «Спорт қитъаси».
22.10 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз!».
23.00 «Даллас». Телесериал.
23.50 «Даракчи».
24.00 Асримиз фильми. «Титаник». 1-серия. Режиссёр Жеймс Камерон.
01.40—01.45 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.25—23.45

*

23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 — «Ургут жилолари». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Биргаликда куйлайлик».
11.40 «Шанба эртаги».
12.50—13.20 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.55 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 Авторейд.
20.25 «Спектаклдан сўнг».
20.45 «Осиё мониторн».
21.05 «5 дақиқа ўзим учун».
21.10 «Чинсэн».
21.35 «Ассалом, Франция!».
22.00 Киносалон.
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.45 «Спорт-марказ».
00.30—00.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Телеолам».
11.20 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
11.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
13.30 Кундузги сеанс. «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.
14.40 «Санъат олами».
15.00—15.40 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топ!».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.05 «Хотира». Мусиқий дастур.
22.45 Спорт. Спорт. Спорт.

«Аср мўъжизаси»
кинодастури:
23.05 Кино янгиликлари.
23.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.40 «Ўн учинчи қайлиқ». Бадиий фильм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.40 «Янги ой чиққан кеча».
11.00 «Таурас куч тупламоқда». Телесериал.
11.50 «Спорт қитъаси».
12.20 Болалар экрани. «Астерикс Американи забт этади». Мультфильм.
13.30 «Нью-Йорк». Телесериал.

*

«Якшанбада яхши дам»
дастури:
14.20 Кўрсатувлар дастури.
14.25 Хорижий эстрада. «Backstreet Boys».
14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.30 «Интер-футбол».
16.10 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
16.30 Мультипанорама.
16.50 «Ургимчак тўри». Телесериал.
17.40 Келгуси ҳафтада.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Буш ўтирма».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.25, 19.55 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга-кенг дунё».
20.15 Тақвим. Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Очун».
21.20 «Даракчи».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар уйини».
22.40 Асримиз фильми. «Титаник». 2-серия. Режиссёр — Жеймс Камерон.
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.20—23.55

*

23.55 Эълонлар.
24.00—00.25 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?»
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип — антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
13.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.15 «Жонли сайёра».
14.35 Клип-антракт.
14.45 Кундузги сеанс.
16.30 Мультэкран.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Бугунги кун мавзуси».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
20.45 «Иштирок этувчилар».
21.05 «Жаҳон киноси янгиликлари».
21.35 «Мусиқий олимп».
22.00 Кинасалон.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

ДУШАНБА, 23

16.30 га қадар каналда профилактика.
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Меросхўр». Телесериал (Бразилия).
17.30 «Қўшни қизлар». Усмирлар учун сериал (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал (Франция).
18.50 «Лабиринт». Телесериал (Бразилия).
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал (Мексика).
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Ҳақиқий севги». Комик мелодрама.
23.10 «Антонелла». Телесериал (Аргентина).
00.15 Тунги сеанс. «Карнавал». Мусиқий комедия. 1-серия.
01.30 «Спорт-курьер».

СЕШАНБА, 24

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Зверобой». Саргузашт фильм. 1-серия.
12.15 Мусиқий дастур.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал (Австралия).
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Тунги эртак». Психологик драма.
15.40 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Усмирлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Манекенчилар жаннатда». Комедия. 8-серия.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Карнавал». Мусиқий комедия. 2-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

ЧОРШАНБА, 25

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «МИХ». Дам олиш дастури.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Зверобой». Саргузашт фильм. 2-серия.
12.15 Мусиқий дастур.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Софья Ковалевская». Мелодрама. 1-серия.
15.40 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Глашанинг эртаклари».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Усмирлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Хушбўй». Криминал комедия.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Темир легион». Триллер.
01.50 «Спорт-курьер».

ПАЙШАНБА, 26

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Висол». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 «Олтин мавсум». Драма.
12.40 «Хит-коктейль».
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Софья Ковалевская». Мелодрама. 2-серия.
15.30 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мушук Порфирий». Болалар учун дастур.
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Усмирлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 Оилавий кино. «Офатижон». Детектив психологик драма.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Уруш бошлангунча». Мелодрама. 1-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

ЖУМА, 27

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 Тонгги сеанс. «Ҳайвон ўлса-ўлаверсин». Криминал-психологик драма.
12.50 «Хит-коктейль».
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 «Софья Ковалевская». Мелодрама. 3-серия.
15.30 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Усмирлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Белорус вокзали». Мелодрама.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Уруш бошлангунча». Мелодрама. 2-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

ШАНБА, 28

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Самонинг кашф этилиши».
11.00 «Брюс Лазер» таништиради.
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Сериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 Янгилар учун эски кўхна эртаклар. «Ажойибот».Болалар учун фильм.
16.30 «А дан Я гача».
17.00 Мультсериал.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал. (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал (АҚШ).
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок намойиш этади». Телесериал(АҚШ).
20.40 «Мусқаймоқ». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал(АҚШ).
22.10 «Икковлон». Телесериал (АҚШ).
23.05 «Юлдузлар ёғилганда».
23.30 «Видеомода».
24.00 Премьера, қайсики бўлмаганди. «Дадиллик учун юз грамм». Драма.

ЯКШАНБА, 29

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Самонинг кашф этилиши».
11.00 «Брюс Лазер» таништиради.
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Сериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Брюс Лазер» таништиради.
17.00 «Мих» И. Купченко билан.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордье». Детектив телесериал.
23.00 «XL-music». Мусиқий дастур.
23.30 Спорт дастури.
24.00 Фестиваллар фестивали. «Стрелкачи». Мелодрама.

РЖТ

ДУШАНБА, 23

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.50 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.00 «Мўъжизалар майдони».
10.55 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 6-серия.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.05 Олтин серия. Леонид Биков «Максим Перепелица» фильмида.
15.20 Мультсериал.
15.45 «Марафон-15».
16.05 «Юлдузли онлар».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
19.30 «Куйини топинг». Телеўйин.
20.00 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 7-серия.
22.50 Кино чизиги. Александр Невзоровнинг «Қил кўприк». фильми.

СЕШАНБА, 24

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.15 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.00 В. Познернинг «Ниқобдаги киши» дастури.
10.45 «Хонаки кутубхона».
10.55 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 7-серия.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Капитан Блад одиссеяси». Саргузашт фильм. 1-серия.
14.20 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
15.20 Мультсериал.
15.45 Мультфильм.
15.55 «Бахтли тасодиф».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
19.30 «Куйини топинг». Телеўйин.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 8-серия.
22.50 Ҳужжатли детектив. «Шаҳар эрталаб тонгда нобуд бўлади».
23.30 Киану Ривз «Менинг шахсий Айдаҳо штатим» фильмида.

ЧОРШАНБА, 25

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.15 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.05 «Мавзу».
10.45 «Хонаки кутубхона».
10.55 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 8-серия.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Капитан Блад одиссеяси». 2-серия.
14.25 Футбол шарҳи.
15.20 Мультсериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.15 «Чангалзорлар даъвати».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари». Сериал.
17.10 «.... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
19.30 Леонид Ярмольник «Олтин талвасаси» дастурида.
20.10 «Инсон ва қонун».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 9-серия.
22.50 Тина Тёрнер — Москвада.
23.30 Футбол. Россия — Франция терма командалари.

ПАЙШАНБА, 26

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.45 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.00 «Ҳайвонот оламида».
10.45 «Хонаки кутубхона».
10.55 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 9-серия.
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Хазиналар ороли». Саргузашт фильм. 1-серия.
14.20 Леонид Ярмольник «Олтин талвасаси» дастурида.
15.20 Мультсериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.10 «Сеҳрли олам ёки Синема».
16.40 «Робин Гуднинг янги саргузаштлари» Сериал.
17.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.30 «Оламга саёҳат».
19.05 «Тиғиз пайт».
19.30 «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
20.00 Алексей Петренко «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида.
20.30 «Кутиш зали».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 10-серия (якунловчи).
22.50 «Оскар-98». Лос-Анжелесдан кўрсатилади.

ЖУМА, 27

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.45 — Янгиликлар.
9.15, 18.20 — «Машъум мерос». Сериал.
10.05 «Саёҳатчилар клуби».
10.55 «Кутиш зали». Кўп серияли фильм. 10-серия (якунловчи).
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Хазиналар ороли». 2-серия.
14.25 «Янгра, севимли гармонь!».
15.20 Мультфильм.
16.25 «Сезам кўчаси».
17.05 «50 x 50». Мусиқий дастур.
17.35 «Оламга саёҳат».
19.10 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Буюк изқуварлар. Коломбо «Мудҳиш боғич» детективида.
23.15 «Нигоҳ».
00.05 Тунги кинозал. «13-полиция участкасига ҳужум». Жангари фильм.

ШАНБА, 28

8.00 Александр Миттнинг «Дўстим, Колька» фильми.
9.30 Мультсериал.
9.40 «Лотто-Миллион».
9.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
10.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.10 «Хонаки кутубхона».
10.30 Лев Дуров «Фруттис чердаги. Ака-ука Пилотовлар шоуси» дастурида.
11.05 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
11.40 «Смак».
12.00 «Бир нодир асар тарихи».
12.25 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
13.15 Александр Збруев «Менинг укам» фильмида.
15.20 Лев Николаев «Цивилизация» дастурида.
15.50 Мультфильм.
16.35 «Ҳайвонот оламида».
17.15 «Бу қандай содир бўлган эди». Гагариннинг ҳалокати.
18.25 Комиссар Каттани «Спрут-4» сериалида. 5-серия.
20.10 «Жентльмен-шоу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 Жаҳон киноси. «Арвоҳларни овловчилар—1». Машҳур комедия.
23.45 Биринчи канал коллекцияси. Жульетта Мазина Федерико Феллинининг «Жульетта ва атир» фильмида.

ЯКШАНБА, 29

7.40 Андрей Миронов Александр Миттнинг «Саргузаштлар эртаги» фильмида.
9.25 Дисней-клуб. «Урдаклар воқеаси».
9.55 «Спортлото».
10.00, 15.00, 00.25 — Янгиликлар.
10.10 Дм. Криловнинг «Йўлда эзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Тонг юлдузи».
12.00 «Армия дўкони».
12.30 «Янгра, севимли гармонь!».
13.00 «Деҳқонлар хабарномалари».
13.30 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Сериал.
14.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
16.05 «Ҳали ҳаммаси олдинда». К. Орбакайте куйлайди.
16.40 Дисней-клуб. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари».
17.05 Дисней-клуб. «Чип ва Дейл ёрдамга ошиқмоқда».
17.35 Леонид Якубович «Тарих гилдираги» телеўйинида.
18.20 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кувноқ воқеалар.
18.50 «КВН-98».
20.55 «Киноафиша».
21.00 «Время».
21.55 Майкл Макдауэлл «Гусарнинг саёҳати» саргузашт фильмида.
23.55 Футбол шарҳи.
00.40 Денис Хоппер «Икки ёқлама алдаш» детективида.

ҚозТВ

ДУШАНБА, 23

6.30 — 8.00 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

17.00 «Қизил Урдада Наврўз».
17.30 Мультсериал.
18.00 «Хит-парад».
18.10 «Гутен абенд!» Немис тахририятининг кўрсатуви.
18.35 «Эйр Қозоғистон» баландликни забт этмоқда.
18.50 «Ютуқ» салони.
18.55 «Молия олами».
19.00 Ахборот-дам олиш телевикторинаси.
19.20 «Сифат».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
21.50 «Қози Корпеш — Баян Сулу». Бадиий фильм. 1-серия.
23.00 «Ютуқ салони».

СЕШАНБА, 24

6.30 — 8.00 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

17.00 Мусиқий дастур.
17.30 Мультсериал.
18.00 «Хит-парад».
18.10 «Гиёҳвандлик — аср фожиаси».
18.30 «Кўнгил қўшиқлари». Баян Асанова.
18.50 «Ютуқ» салони.
18.55 «Молия олами».
19.00 «Даврлар туташганда».
19.30 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
22.20 «Сизга тилаймиз...» Концерт.
23.20 «Ютуқ» салони.

ЧОРШАНБА, 25

6.30 — 8.00 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

17.05 Ахмет Бойтурсун таваллудининг 125 йиллигига.
17.30 Мультсериал.
18.00 «Хит-парад».
18.10 «Қорақуз».
18.50 «Ютуқ» салони.
18.55 «Молия олами».
19.00 «Замин». Экологик альманах.
19.20 «Сифат».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот курсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
21.50 «Қози Корпеш — Баян Сулу». Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 «Ютуқ» салони.

ПАЙШАНБА, 26

6.30 — 8.30 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

17.00 Ҳужжатли фильм.
17.30 Телесериал.
18.00 «Хит-парад».
18.10 «Наврўз». Ҳужжатли фильм.
18.20 «Хотиралар архиви».
18.50 «Ютуқ» салони.
18.55 «Молия олами».
19.00 «Бевосита мулоқот».
19.25 «Йўлдаги қайдлар».
19.50 «Фикрни баён қилиш».
20.00 «Даллас». Телесериал.
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот курсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
22.10 «Менинг ёшлигимдаги Дон Кихот». Бадиий фильм.
23.25 «Ютуқ» салони.

ЖУМА, 27

6.30 — 8.30 «Кечаси ётиб уйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

17.05 «Нон — ҳар нарсадан азиз».
17.30 «Каре сарам!» Корейс тахририятининг курсатуви.
18.00 «Хит-парад».
18.05 «Болалар боғи».
18.20 «Экспресс FOOD».
18.50 «Ютуқ» салони.
18.55 «Молия олами».
19.00 «Телекургазма».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 Шоир Жумекен.
20.30 «Қозоқ театрининг бугунги куни».
21.00 «Оқшом». Ахборот курсатуви.
21.40 «Прессинг». Спорт янгиликлари.
21.50 «Қайсар». Бадиий фильм.
23.20 «Ютуқ» салони.

ШАНБА, 28

9.00 «Хақиқат».
9.30 Мультсериал.
9.55 «Сиҳат-саломатлик».
10.15 «Еркем-ай».
10.40 «Талабалар саҳнасида».
11.00 ДАН 17.00 ГАЧА ЛИНИЯДА ПРОФИЛАКТИКА.
17.00 «Жейн Эйр». Бадиий фильм (Англия). 2-серия.
18.00 «Гутен абенд!» Немис тахририятининг курсатуви.
18.30 «Умр — оқар дарё».
19.00 «Спорт+» телеканали таништиради.
20.00 Мансур Сағатовнинг ижодий кечаси.
20.25 «Театр ва давр».
20.55 «Омонат».
21.00 «Оқшом». Ахборот курсатуви.
21.40 «Мусиқий саёҳат».
22.40 «У ерда була туриб». Бадиий фильм (АҚШ).

ЯКШАНБА, 29

8.05 «Уйғон ва куйла».
8.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.
8.50 «Қозоғистон чавандозлари».
9.10 Болалар мусиқий табрик дастури.
9.30 «Талисман» болалар видеостудияси «Сафари» янгиликлар дастурини таништиради.
10.00 «Товушлар музейи».
10.30 «Еркем-ай».
11.15 Концерт.
12.00 «Янги авлод кишилари».
12.30 «Энши балапан».
13.00 «Аёл, оила, жамият».
13.30 «Киночилар».
14.00 «Ипак йули». Телеэкспедиция.
14.30 «Замин соҳиби».
14.50 Маданият янгиликлари.
15.00 «Ютуқ» салони.
15.30 «Жейн Эйр». Бадиий фильм. 3-серия.
16.20 «Мусиқий меҳмонхонада».
16.50 «Бойтумор».
17.20 «Ёшлар: муаммолар йуқми?».
17.55 «Қиш китоби». Ҳужжатли фильм.
18.15 «Экспресс FOOD».
18.40 «Формула S».
19.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик курсатуви.
19.30 Қозоғистон телевидениеси — 40 ёшда.
20.00 «Мусиқий карвон».
20.10 «Дунё рақслари». Мурот Тукеев.
21.15 «Мени унут». Бадиий фильм.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

(23—29 март)

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)
Ҳафта айтарли даражада муваффақиятли бошланмайди. Кимнингдир ғирром ўйини Сизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Пайшанба куни келишмовчилик келиб чиқмаслигига ҳаракат қилинг. Жума куни саломатлигингиз ёмонлашиши эхтимолдан холи эмас. Шанба куни ҳамёнингизга пул тушиши кутилмоқда.

СИГИР (21 апрель — 21 май)
Чоршанба куни ўзингизга яқин кишилар билан учрашишга ҳаракат қилинг. Улар Сиз учун қийин бўлган ҳафтани яхши ўтказишингизга ёрдам беришади. Жума куни баҳслашманг, ютқазиб қўйишингиз аниқ. Ишбилармонлик музокаралари олиб бориш учун шанба қулай кундир.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)
Ушбу ҳафта бошида саломатлигингиз ёмонлашади. Сешанба куни мўмай даромад ишлаб оласиз. Пайшанба — харид учун қулайдир. Шанба куни олисдаги қариндошингиздан хабар топасиз. Якшанба куни уйингизда ўтиринг, жароҳат олишингиз эҳтимоли бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)
Сешанба куни баракали меҳнат қиласиз. Чоршанба куни молиявий аҳволингиз яхшиланади. Жума — спорт билан шуғулланиш учун қулай кундир. Шанба куни келишмовчилик келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)
Душанба куни ғаройиб саргузашт кутилмоқда. Чоршанба куни навбатдаги янги ишларга киришманг. Пайшанба ва жума кунлари мўмай пул ишлаб олишингиз учун имконият мавжуд. Якшанба куни келишмовчилик келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг.

ПАРИЗОД (24 август — 23 сентябрь)
Душанба ва жума ушбу ҳафтанинг энг муваффақиятли кунларидир. Сешанба куни Сизга кўпроқ ишлашни таклиф қилишади, шанба куни ушбу меҳнат самарасини ҳамёнингизда ҳис этасиз. Якшанба куни алданиб қолишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)
Душанба куни ажойиб жиҳозни қўлга киритасиз. Сешанба — баракали меҳнат кунидир. Пайшанба куни ижод билан машғул бўлишни маслаҳат берамиз. Шанба куни амалга ошиши қийин туюлган битимни тузишга киришманг.
Якшанба куни ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)
Душанба — ижод билан шуғулланиш учун қулай кундир. Сешанба куни келишмовчилик келиб чиқишига йўл қўйманг, бу — чоршанба куни ҳам кайфиятингизга таъсир кўрсатади. Пайшанба куни хушхабар эшитасиз. Шанба оқшомини севимли кишиларингиз даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.

ЕЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)
Душанба куни Сизни қувонтиришади. Сешанбадан жумагача дармондорилар истеъмол қилинг, соғлиғингиз панд бериши мумкин. Шанба куни яхшигина харид қиласиз. Якшанба куни яқин кишингиздан мамнун бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)
Ушбу ҳафтанинг бошида эски касалингиз хуруж қилади. Пайшанба кунига бориб ундан халос бўлиб, баракали меҳнат қиласиз. Шанба куни кўнгилли ҳордиқ чиқариб, навбатдаги меҳнат ҳафтасига куч тўплаб оласиз. Якшанба куни дўстлар билан учрашув бир олам қувонч келтиради.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)
Душанба Сиз учун муваффақиятли кундир. Пайшанба куни катта жанжал бўлиши эҳтимоли бор, эҳтиёт бўлинг. Асаббузарлик туфайли соғлиғингиз ёмонлашиши мумкин. Шанба куни муҳим ишбилармонлик учрашуви кутилмоқда. Якшанба куни эски қадрдонингиз ўзидан дарак беради.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)
Сешанба куни унча кўнгилли бўлмаган хабарни эшитасиз. Чоршанба куни чарчаб қолманг. Жума куни яқин кишиларингиз билан мулоқот кутилмоқда. Шанба куни анчадан буён орзу қилиб юрган буюмни қўлга киритасиз.

Жиноят ва жазо

ТАЛОНЧИ ҚОТИЛЛАР

ёки яна бир уюшган жиноий гуруҳ қўлга олинди

Дискобар. Ранго-ранг чироқлар ёниб-ўчиб ажиб жозибадор манзара кашф этади. Чет эл эстрадаси янграйди. Турли ноз-неъматларни тановвул этиб, ароқ-коньяк кайфидан сархуш бўлиб олган ёш-ёш йигит-қизлар ғарбона рақсларга тушишяпти.

Ана улар сафига Ш. Абдуллаев, В. Иванов, Р. Сафин, Д. Солдаткин, О. Гребеншиков, Р. Муҳитов, А. Абдуқодиров, Р. Хабибуллин ва М. Макаревскаялар ҳам келиб қўшилишди. Обдон маишат қилишди. Қизлар йигитлар билан, йигитлар қизлар билан танишишди, бир-бирларига қапишиб рақсга тушишди. Келар чоғларида қаппайиб турган ҳамёнлари кетар чоғда бўшаб қолганди.

Эртасига кўнгиллари яна дилхушлигу маишат қиладиган шу жойни қўмсади. Бироқ ёнларида хемири йўқ. Нима қилишсин? Тағин ота-оналаридан пул сўрашсинми? Йўқ, бу бефойда? Негаки, улар берган пул агар тоғдек бўлса ҳам кунига қилинадиган бунақа маишату, айш-ишратга етмайди. Бирор жойга ишга кириб меҳнат қилишсинми? Э, йўғ-э, 16—21 ёшларини меҳнатда ўтказиб, уни увол (улар меҳнат билан ўтган умрни зое кетган деб ҳисоблашади) қилишсинми? Ҳечам-да!

Хўш, унда нима қилиш керак? Бу саволга уларнинг жавоби бир хил бўлди. Ишламай текин пул топиш керак! Бунга эса одамларни тунаш туфайлигина эришиш мумкин, деб ҳисоблашди...

Д. Солдаткин, В. Иванов, О. Гребеншиков ва Р. Сафинлар «Фарҳод» бозори яқинида тўпланишди.

— Хўш, ишни нимадан бошлаймиз?

— Ўғрига мол қаҳатми, дуч келган одамни тунайверамиз-да!

— Масалан, анави бойвачча аёлнинг қулоғидаги бриллиант кўзли зирагини... — Ие, қандай қилиб? Ана, у автобусга чиқиб кетди-ку?

— Ҳечқиси йўқ! Шу автобуснинг кетидан кетдик!

Улар Сафиннинг ижарага олган л 27—88 ТН рақамли «Москвич» машинасига ўтириб автобуснинг изидан юришди. «Гулистон» мавзесига етгач «зирак таққан аёл» автобусдун тушди. Уни кузатиб келаётган «Москвич»дан Гребеншиков ва Солдаткин тушиб, аёлнинг кетидан юришди. Хилват жойга етгач эса Гребеншиков хотиржамгина кетаётган аёлга ёпишиб, икки қулоғидан икки зирагини юлиб қочди. То аёл эс-ҳушини йиғиб олгунича панада кутиб турган «Москвич»га ўтириб олди. Шитоб билан кўзғолган машина эса бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Юз минг сўмлик зирагидан ажраган аёл эса қулоғини чангаллаб қолаверди.

Ғаротчилар эса янги ўлжа зиракни Бош универсал магазини ҳудудида лўли миллатига мансуб аёлга 300 АҚШ долларига сотишдию қўён бўлишди. Долларнинг учдан бирини Яккасарой туманидаги «Савдо маркази» олдида, қолганини Сирғали туманидаги «Диана» кафесида нотаниш кишилардан сўмга айлантириб ўзаро тенг бўлиб олишди. Кейин эса уни яна «дискобар»га бориб маишат учун сарф қилишди.

Хаш-паш дегунча зирак пулини еб-ичиб бўлган безорилар бу гал йириқроқ ўлжани кўзлашди. Улар Ҳамза тумани Ю. Фучик кўчасидаги 2-уйни нишонга олишди. Солдаткинни ҳар эҳтимолга қарши кўчада қолдирган Муҳитов, Абдуллаев ва Абдуқодировлар дарвоза қўнғироғини босишганда уй эгаси Д. Алишева эшикни очдию, балога қолди. Олдиндан белгиланган режага кўра пичоқлар билан қуролланган уч босқинчи шитоб билан ичкарига кириб олди. Кейин эшикни ичкарисидан беркитиб, аёлни полга ётқиздида, телефон симларини узиб, у билан бечоранинг оёқ-қўлини боғлаб бўйнига пичоқ тирашди:

— Пул ва тақинчоқларинг қаерда туради?

— Билмайман! Сен итваччаларга айтмайман ҳам!

Шу пайт уй соҳибасининг нариги хонада ётган набираси Шайбонийхон уйғониб қолиб, йиғлай бошлади. Шунда Абдуқодиров унинг бўйнига пичоқ қадаб, яна аёлга ўшқирди:

— Пул қаердалигини айтасанми ё мана бу итваччангнинг бўйнига пичоқ тортиб юбораверайми?

Ўз жонига ачинмаган буви бечора набирасининг ўлдириб қўйишларидан қўрқди.

— Пул ётоқхонадаги тўшакнинг остида! Олаверларинг, аммо норасида ғудакка тегмаларинг.

Босқинчилар бирин-кетин 10000 сўм пул, бриллиант кўзли олтин зирак (75000 сўмлик) ва видеомагнитафон (25000 сўмлик)ни олиб «агар бирор жойга хабар берсанг, ўзингни ҳам, набирангни ҳам ўлдирамиз» деб кўздан ғойиб бўлишди...

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, жиноий гуруҳ бу гал куппа-кундузи «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесидаги 27-уйнинг 2-хонадонини «супуриб» чиқишни режалаштиришди. Улар дастлаб «разведка» учун Макаревскаяни жўнатишди. У хонадонга «китоб сотувчи қиз» бўлиб кириб борди. Қараса уйда Е. Цойнинг ўзи ёлғиз экан. Бу ҳақдаги хабарни эшитган Муҳитов, Абдуллаев ва Гребеншиков эшик қўнғироғини босиб, хонадон соҳибасига ўзларини «электр таъминоти ходимлари» деб таништириб, ичкарига кириб олишди-да, «ҳунар»ларини кўрсатишди.

Ваҳшийлар Цойнинг оёқ-қўлларини кир ёйиш арқончаси билан боғлаб, бўйнига пичоқ тираганча пул ва қимматбаҳо буюмларни қаердалигини айтишга мажбурлашди. Бироқ, бечора Цой уларнинг саволига жавоб беролмади. Негаки у хонадон соҳибаси Н. Кимнинг жияни бўлиб, бу ерга меҳмонга келган эди. Шундоқ бўлгач пул ва қимматбаҳо буюмларнинг қаерда сақланишини у қаёқдан билсин!

Аммо уйни остин-устун қилиб, титкилаб ташлаган босқинчилар бу ердан ҳам қуруқ қайтишмади. 55000 сўм пул, 100 АҚШ доллари, аёллар пальтосини, тилла занжир, узук ва зираклар жами — 194 минг сўмлик бойликни ўмариб кетишди.

Қўлларига улгуржи «соққа» тушган безорилар кундан кунга қутуриб қабиҳ фаолиятларини кенгайтираверишди. Улар навбатдаги «ов» учун кўчага чиқишганида соат кундузи 11 эди. Муҳитов, Солдаткин, Гребеншиков Абдуллаевнинг «ВАЗ 2106» русумли 10 Д 04—28 рақамидаги машинасида метронинг «Чилонзор» бекатига келишди. Қарашса, қулоғига қимматбаҳо зирак таққан аёл келиб автобусга ўтирди. Талончилар дарҳол унинг изидан машиналарини юргизишди. 26-мавзега борганда аёл автобусдан тушди. Гребеншиков унинг кетидан писиб бориб, қулай фурсат келганида қулоғидан зирагини юлдию, ўзини ҳамтовоқлари кутиб турган машинага урди. Машина эса, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Аммо кўпчиликка тергов чоғида шахси аниқланмаган бу аёлнинг шу биттагина узугининг пули урвоқ ҳам бўлмади. Шу боис улар навбатдаги «ов»га шошилишди. Бу гал режани Абдуллаев белгилади:

— Менинг бир қариндошим бор. Божхонада ишлайди. Бой яшайди. Агар унинг уйини ўмарсак...

Шундай қилиб улар Бодомзор мавзесидаги 3-уйда яшовчи Р. Фозиловлар хонадонига йўл олишди. Абдуллаев қариндошининг уйига киришни ўзига ор билибми кўчада пойлоқчилик қилиб қолди. Қолганлар — Солдаткин, Муҳитов ва Гребеншиковлар 8-қаватга кўтарилиб, 16-хонадон эшиги қўнғироғини босишди. Бироқ ичкаридаги аёл эшикни очмади. Ғаротчилар ўзларини «электр таъминоти идорасиданмиз» деб таништирса ҳам наф бермагач, алам ва ғазаб билан ортларига қайтишди.

Бироқ, текин «соққа»га ўрганганларнинг нафслари яна ҳакалак отавергач, Иванов, Гребеншиков, Хабибуллинлар жам бўлиб Сафиннинг «Москвич»ида «Фарҳод» бозори ҳудудида пайдо бўлишди.

Соат миллари роппа-роса 15.00 ни кўрсатиб турган пайтда Гребеншиков ва Хабибуллин машинадан тушиб Н. Носированинг изига тушишди. Хилватроқ жойга етганларида эса Гребеншиков аёлнинг ортидан бориб, унинг қулоғидан 50 минг сўмлик бриллиант кўзли тилла зирагини юлиб қочди. Бечора аёл қулоғидан тирқираб оқаётган қонга беланиб қолаверди. Ғаротчилар эса машиналарга ўтириб жуфтакни ростлашди.

Текинхўрлар бу зиракни ҳам сотиб, пулини еб битиришгач, яна Абдуллаевнинг Бодомзордаги қариндошининг уйига йўл олишди. Белгиланган режага кўра Солдаткин кўчада қолди. Сафин, Иванов ва Абдуллаевлар эса саккизинчи қаватга кўтарилишди.

Уйда Гулнора Фозиловнинг бир ўзи қолганини олдиндан билган Абдуллаев бу гал эшик қўнғироғини ўзи босди. Гулнора қариндоши Абдуллаевни таниб, эшикни очди. Шу пайт Абдуллаевга қўшилиб олдиндан пичоқлар билан қуролланган, из қолдирмаслик учун қўлларига қўлқоплар кийиб олган Сафин ва Ивановлар ҳам ичкарига кириб олишди-ю, ҳе йўқ, бе йўқ Гулнорани катта хонага судраб кириб, полга ётқизишдида, оёқ-қўлларини боғлаб қўйишди ва пул, қимматбаҳо тақинчоқлар қаердалигини ундан сўраб билиб олишди. Кейин аёлнинг оғзига латта тиқиб қўйишди. Сафин эса унинг оёқларини тутиб турди. Иванов ҳўкраги, бўйни ва бошқа ҳаётий муҳим жойларига (жами 34 марта) то ўлгунча пичоқ санчаверди.

Икки босқинчи аёлнинг оғзига латта тиқиб қўйиб қийнаётган пайтда Абдуллаев ётоқхонага кириб ўлжа қидираётган эди. Гулнорани «тинчитишгач», унга кўмаклашгани Сафин ҳам кириб келди. Икковлашиб 15 минг сўм, 350 минг Россия рубли, 700 АҚШ доллари, эркаклар ва аёллар соатлари, тилла тақинчоқлар, жами 136 минг сўмлик бойликни олишди.

Талончи қотиллар бу билан ҳам чекланмади. Улар Абдуллаевни танишлигини ҳисобга олиб, 5 ёшли қизалоқ Дилафрўз Фозиловани (уни илгарироқ Абдуллаев ошхонага киритиб қўйган эди) ҳам ўлдиришга қарор қилишди. Абдуллаев Дилафрўзни бўйнидан ушлаб туриб полга ётқизди. Сафин эса унинг икки оёғидан тутиб турди. Шундан кейин Абдуллаев ҳозиргина қариндошимиз деб севиб талпинган қизалоққа бир неча бор пичоқ санчди. Қизалоқ ҳам оламдан кўз юмди.

Шундан кейингина очофат қотиллар йиғиштирган бойликларини кўтариб чиқиб кетдилар. Аммо кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу вахшиёна қотилликлари эвазига ўмарган бойликларини сотишга эришишса-да, «дискобар»га олиб бориб, ҳаммасини айш-ишрат учун сарфлашга улгуришмади.

Уюшган жиноятчиларнинг барчаси қўлга олиниб, қилган ҳамма жиноятлари бўйниларига қўйилди. Тошкент шаҳар суди эндигина 19 ёшга кирган Шерзод Абдуллаев, 21 ёшга кирган Ринат Сафин ва Дмитрий Солдаткинларни олий жазо — ўлимга маҳкум деб топди. 20 ёшли Рустам Муҳитов ва Олег Гребеншиковни 20 йилданга, 18 ёшли Улуғбек Абдуқодировни 16 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Шунингдек, қутурган мазкур жиноий гуруҳ иштирокчиси 16 ёшли Мария Макаревская ва мазкур гуруҳнинг ашаддий аъзоси Абдуллаевдан уларнинг қилган жиноятларини билиб туриб, унинг ўғирланган пуллар ҳисобидан берган 800 сўмини олиб бу ҳақда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига хабар бермай, содир этилган оғир жиноятларни яшириб келган 17 ёшли Елена Ханилова ва бошқалар ҳам қилмишларига яраша жазоларга гирифтор бўлдилар. Жиноятчиларга тегишли мол-мулк мусодара қилинди.

Шундай қилиб яна бир уюшган ашаддий жиноятчилар гуруҳининг жирканч қилмишларига сўнгги нуқта қўйилди. Энди бу ёғига жиноятчилар қилмишларига яраша берилган жазоларни ўтайдилар. Бироқ ҳали ўн гулидан биттаси ҳам очилмаган бу ёшларнинг ваҳшиёна қилмишларию, аччиқ қисматларини ўйлаб беихтиёр хаёлга толасан, киши.

Хўш, нега шундай бўлди? Гап шундаки: бу ёшлар «дискобарлар»у, «дискоклуб»лардаги алланечук, оромбахшу жозибадор ҳаётга маҳлиё бўлиб, енгил-елпи яшашга берилиб кетдилар. Яхши, фаровон яшаш учун ҳалол меҳнат қилиб, пул топиш лозимлигини ўйлаб ҳам кўришмади. Эҳтимол уларга шунақа жирканч турмуш тарзини тарғиб этувчи видеофильмлар таъсир этгандир. Ундай десак, ота-оналарнинг кўзлари қаёқда эди? Наҳотки фарзандлари шу даражага етгунча ҳам улар ҳеч нарсани сезишмади? Ахир, лоқайдлик, бепарволик, фарзанд тақдирига беписандлик ҳам эви билан-да!

Шуларни ўйларканмиз, бор овозимиз билан «Эй, одамлар! Болаларингизнинг турмуш тарзига, юриш-туришига ҳеч қачон бефарқ бўлманг, уларни изчил назорат остига олинг. Акс ҳолда оилангиз барбод бўлиб, кейин пушаймон қилишингиз ҳеч гапмас!» деб бонг ургимиз келади.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи.
Мурод КАЛОНХОН,
журналист.

Кўпчилик соҳа мутахассислари қатори давлат автомобиль назорати ходимлари ҳам муборак Наврўз айёмини муносиб кутиб олишмоқда. Шу билан бирга улар март ойида ўтказилаётган ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ойлигида фаол иштирок этмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Нишон тумани Ички ишлар бўлими ДАН бўлими бошлиғи, милиция капитани Жавли Қиличев ҳайдовчиларга ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида тушунтириш бермоқда; Косон тумани Ички ишлар бўлими ДАН бўлими хизматчилари — милиция капитани Ж. Ортиқов ва милиция сержанти Ш. Авазов автомобилларни доимо тартибли ҳаркатланишини таъминлашаяпти.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.

Кулги бекати

Бир куни қайнона куёвларини ўзига нисбатан қанчалик содиқ эканини синаб кўрмоқчи бўлибди. Катта куёви ишдан қайтаётган вақт унинг рўпарасидан чиқибди-да, худди бехосдан бўлгандек ўзини сойга ташлабди. Бунга кўзи тушган катта куёв дарҳол ўзини сувга ташлаб, қайнонасини қутқариб чиқибди. Эрталаб турса эшик олдида янги «Тико» машинаси турган эмиш. Эшигига эса қуйидаги ёзувли қоғоз қистирилиб қўйилганмиш: «Миннатдор қайнонасидан, содиқ куёвимга».

Кейинги куни иккинчи куёвини ҳам худди шу йўсинда синаб кўрибди. У ҳам дарҳол қутқарибди. Эрталаб қараса «содиқ куёвимга, миннатдор қайнонасидан» деган ёзувли қоғоз қистирилган янги «Дамас» турган эмиш.

Навбат кенжа куёвга келибди. Уни ҳам худди шундай синабди. Бироқ куёв парво ҳам қилмай ўтиб кетаверибди. Қайнонаси эса чўкиб кетибди. Эрталаб турса... Ҳовлисида қип-қизил чўғдек ёниб «Нексия» турган эмиш. Унга эса қуйидаги мазмунда хат қистирилганмиш: «Мард куёвимга миннатдор қайнотасидан».

* * *

Сочи ўта ўсиб кетган мижоз сартарошхонага кирибди. Уста уни ўтиргизиб, сочига бир икки маротаба қайчини теккизгач, қўлига магнит олиб мижозни бошида айлантира бошлабди.

— И-я, ҳа уста, бу соч олишни янги усулими? — сўрабди мижоз.

— Йўғ-э, қайчимни йўқотиб қўйдим, шуни излаяпман, — жавоб берибди уста.

* * *

Хонадон телефони жиринглади. Эркак телефон гўшагини кўтариб эшита бошлади:

— Азизим, эшитаяпсанми, биз ўғилли бўлдик!

— Эй худойим, қандай бахт! Ҳа айтгандай ким бу гапираётган?

* * *

Ўлим тўшагида ётган қайнона куёвини чақириб деди:

— Мана сенга 10 минг, ким билан гаплашасан, қанчага гаплашасан, менга барибир. Ишқилиб мени Қизил майдонга кўминглар!

Куёв пулни олиб чиқиб кетди. Бирмунча вақт ўтгач, ҳовлиқиб-кириб келди ва қайнонасига севинч билан деди:

— Ким билан, қанақа қилиб гаплашганимни сўрамангу, бу иш роса қийинчилик билан кўчди. Хуллас, эртага соат 12 да сизни ўзингиз айтган жойга кўмишга келишиб келдим.

* * *

— Биласанми дўстим, кеча менга қандайдир эркак қўнғироқ қилиб, «хотинимни тинч қўй, бўлмаса каллангни оламан» деб дўқ урди.

— Бўпти, тинч қўй, қутиласан.

— Шундайку-я, лекин у мен «юрадиган» аёлларни қайси бирини эри эканлигини айтмади-да.

* * *

— Қалай дугонажон, алкаш эринг ҳалиям кечаси билан ресторанма-ресторан топганини ичкиликка сарфлаб юрибдими?

— Йўқ. Мен у билан қаттиқ гаплашиб олдим. Энди у чекмайди, ичмайди, ресторанга ҳам бормайди. Тинчгина «реанимация»да ётибди.

Шуҳрат АЛИМАТОВ,
тайёрлади.

Лукма

«БЕШ» ОЛДИН КЕЛАДИМИ ЁКИ «ОЛТИ»

Яқинда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида хизмат сафарида бўлар эканмиз, бизга антиқа бир ҳужжатни кўрсатишди. У вилоят халқ таълими бошқармасининг ушбу тумандаги мактаб директорларидан бирини вазифасидан озод қилиш ҳақидаги буйруғи экан. Кимни директорликка тайинлашу кимни озод қилиш — бу, албатта, вилоят бошқармасининг ўз иши, таҳририят унга аралашмайди.

Лекин гап бошқа томонда, яъни минг-минглаб ўқувчиларга саноқ, ҳисоб-китобдан таълим берадиган идораларнинг энг каттасида баъзи раҳбарлар оддий рақамлар тартибини билмасликларида... Ҳақиқатан ҳам жуда қизиқ-а! «Олти» сони «беш»дан кейин келадими ёки олдинми? Буни олий математика десангиз ҳам бўлаверади!

Давлат тили ҳақидаги Қонун Тошкентдан Тошкентга, яъни вилоят халқ таълими бошқармасига, мана, орадан неча йиллар ўтиб кетса ҳамки, етиб келмабди. Шу сабаб у рус тилида ёзилган. Энди ажнабий бўлиб қолган бу тилда ёзилиб ҳам саводли ёзилса бир нави эди... Мана, ўзингиз кўз югуртиринг. Биз унинг бирон-бир ҳарфини ўзгартирмай диққатингизга ҳавола қилаётирмиз.

«ПРИКАЗ
по Ташкентскому областному управлению народного образования
N 149-К.
от 15.09.97 г.
Тураев Б.
директор сш 13 Чиназского района
освободить от занимаемой должности
по ст. 106 трудового (?) (савол бизники*Тахр). РУз с 16.09.97 г.
Основание: рапорт зав. РайОНО N 294 от 16.09.97 г.
Начальник О. ТОДЖИЕВ»

Биз буйруқ матнига «савол бизники» деб бежиз қўшимча киритмадик. Сабаби — худди ўша жойда, яъни «по ст. 106 трудового...» сўзларидан кейин «договора» ёки «Кодекса» сўзи бўлиши керак эди. У тушиб қолган. Майли, бунисига ҳам худо хайр берсин. Лекин вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи 15 сентябрь куни эртасига, яъни 16 сентябрь куни Чиноз туман халқ таълими бўлимининг бошлиғи директор Тураев устидан рапорт ёзишини қаёқдан билди экан? Ёки у Кашпировскийга ўхшаш парапсихолог ёхуд гипнозчимикан-а? Тушонолмадик, кўп нарсани тушунолмай қолдик. Нима бўлганда ҳам бу нуфузли идорадаги ҳурматли жаноблар ҳар ойда, (шу жумладан сентябрь ойида ҳам) аввало ойнинг 15-, кейин эса 16-куни келишлигини билиб қўйсалар яхши бўларди, зотан эшикдан кишининг аввал боши, кейин эса елкаси киради. Асло аксинча эмас!

Уста ҲАҚҒЎЙ.

Материалларимиз изидан

АДОЛАТ БУКИЛАДИ, АММО...

Халқимизда «Ҳақиқат эгилади, бироқ синмайди» деган доно нақл бор. Биз уни бироз тўлатиб «Адолат букилади, аммо бир кун келиб қаддини албатта тиклаб олади» дея тўлатмоқчимиз.

... Ўтган йилнинг 12 декабрь куни Навоий вилояти Нурота туман халқ маорифи бўлимининг мудири А. Бозоров навбатдаги буйруқлардан бирига имзо чекди. Унда шундай сатрлар бор эди:

«... 21-таянч мактабининг собиқ директори Иботов Нормуродни ишлаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида халқ таълими бўлимининг 1995 йил 1 мартдаги қарори бекор қилинсин ва у 1997 йил 12 декабрдан бошлаб 21-таянч мактабига директорлик вазифасига тиклансин. Асос: вилоят халқ таълими бошқармасининг 1997 йил 26 ноябрдаги алоқа хати».

Шу билан бир неча йилдан бери давом этиб келаётган адолатсизликка чек қўйилди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг 21 июль сонида «Адолат» саҳифасида республика халқ маорифи аълочиси Нормурод Ибодовнинг «Ҳолвани ҳоким еди...» сарлавҳали мақоласи эълон қилиниб, унда кекса ўқитувчи ўзининг тўғрисўзлиги, қиғир ишларга йўл қўйишдан бош тортганлиги учун таъқибга учрагани, ниҳоят ишдан, қачонлардир ўн етти йил аввал ўз ташаббуси билан ташкил этилган мактаб раҳбарлигидан кетишга мажбур бўлганлиги тўғрисида айтилган эди. Мақола текшириш ва чора кўриш учун турли мутасадди ташкилотларга юборилди. Лекин адолатнинг юзага чиқиши йўлидаги тўсиқлар кўп бўлар экан, зотан ўз айбини бўйнига оладиган мард ҳар қадамда ҳам учрайвермайди.

Фақатгина газета Бош муҳаррирининг шахсан республика Халқ таълими вазирлигига мурожаати туфайли барча ваколатларга эга бўлган комиссия ишни ўз жойида ўрганди ва катта адолатсизликка йўл қўйилганлигини эътироф этди. «Қайта текширишда «Адолат» газетасида чоп этилган мақоладаги важлар асосан тасдиқланди», — дейилади Навоий вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи М. Адизованинг жавоб хатида. Нима ҳам дердик: «Ҳеч бўлмагандан кўра кеч бўлгани яхшироқ» деган нақл ҳам бор халқимизда...

... Соб қишлоғи Нурота туман марказидан 80 километр йироқда жойлашган тоғ қишлоқларидан бири. 1970 йили Душанбе педагогика институтининг физика факультетини битириб келган ёш мутахассис Нормурод Ибодов ўз она қишлоғига қайтиб келгач, юрагида ўт билан иш бошлади. Ёш авлодга таълим бериш борасида янгиликларга интилди, ташаббускорликка ўзида мойиллик сезгани ҳолда педагогиканинг ҳали очилмаган қирраларини очишга интилди. Қишлоғида 21-таянч мактабининг очилишига ҳам ўзи сабабкор бўлиб, ушбу билим масканига 1980 йилдан 1985 йилгача раҳбарлик қилди.

Лекин ҳурматли ёзувчимиз таъкидлагани каби, қаердаки нур бўлса, унинг ёнида соя ҳам ўралашиб юради. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўз ишига жон-дили билан берилган директорни кўролмаганлар унинг устидан «ёз-ёз», «чиз-чиз»ни бошлаб юбордилар. Баъзи бир раҳбарлар бундай пайтларда «оч қорним, тинч қулоғим» қабилида иш тутадилар. Шунинг учун ҳам «ғалвали» шахсдан қутулиш йўлини қидирадилар. Натижада 1985 йили Нормуродни бутунлай қонунсиз равишда ишдан бўшатдилар.

Лекин ишчан педагог руҳан тушкунликка тушмади. Ёшларга таълим бериш билан бирга ўз қадар-қимматининг тикланиши учун курашни бир зум бўлса-да сусайтирмади. Ниҳоят 1990 йилнинг 2 январь куни мактаб директорлигига тикланди.

«Кўзбўямачилик, таъбир жоиз бўлса «қўшиб ёзиш» бошқа ҳар қандай соҳаларда бўлса бўлиши мумкиндир, лекин бу нарса педагогикага мутлақо ёт» деган принципни маҳкам ушлаган мактаб раҳбари ўз ишида беш йил ишлай олди, холос. Кимларнингдир эркатойлари учун алоҳида шароит яратиб бериш, уларнинг камчиликларини ҳаспўшлаш, қўйингки «эгилувчан» бўлишни ўзига эп кўрмаган директорнинг боши узра яна қилич ўйнай бошлади. Охир-оқибат 1995 йилнинг бошларида уни бутунлай ноҳақ равишда, қалбаки ҳужжатлар асосида хизмат вазифасидан бўшатдилар. Бу ишга туманнинг бир қатор «казо-казо»лари аралашган эди... Яна «чоп-чоп», «юғур-юғур» бошланди...

Худди мана шу йилларда Соб қишлоғининг ҳалол-пок инсонларидан Жаббор Жабборов, Кўчимбой Бадалов, Фахри Йўлдошев, Нурали Қудратов, Муродилло Бобоназаров, Феруза Бобожонова ва бошқалар унинг ёнида бўлдилар. Ҳақиқат, адолат учун тинмай курашдилар. Катта курашнинг натижаси эса ниҳоят ғалаба билан якунланди.

Нурота туманидаги бу ўрта мактаб республикамиздаги юзлаб, минглаб мактабларнинг бири. «Битта мактабдаги ишларга газетанинг шунча жойи ажратилибди-да» деган ўй-фикр ҳам пайдо бўлиши мумкин. «Томчида қуёш акс этади» деган ҳикматни эсга олайлик. Нормурод Ибодов воқеасида нур ва соя, ростгўйлик ва ҳақсизлик, адолат ва адолатсизлик ўртасидаги муросасиз кураш худди ана шу томчидаги қуёшдек ўз аксини топган.

... Ниҳоят, тумандаги «жанжалли» ўша мактабда яна осойишта кунлар бошланди. Республика халқ маорифи аълочиси ўз севган касби — мустақил Ўзбекистон фарзандларини тарбиялаш ишига қайтди. Мактабда ҳозир ўзи ўзбек ва тожик тилларида дарс беради. Малакали ўқитувчи — умр йўлдоши Рухафсо ҳам болаларга таълим бериш билан банд. Н. Ибодовнинг асли ўн битта фарзанди бор. Ўғиллари Дилдор ва Далёр ҳам ота изидан боришиб, педагогик касбни эгалладилар.

Мақоламиз сўнгида бу катта оилага, ўз севган раҳбарини «тиклаб олган» мактаб жамоасига ютуқлар тилаб қолар эканмиз, уларнинг барчасини яшариш байрами — Наврўз билан табриклаб қўйишни ўзимиз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биламиз.

Қодиржон СОБИРОВ.

Адолат
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.
ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.
Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ.
Мулоқот учун телефонлар: Қабулхона — 133-41-89. Котибият — 136-55-64. Эълонлар бўлими: 136-55-96.
Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 01088, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди.
• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00.
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.